

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ақийда



08:39 / 10.11.2024 1940

#Мазҳабда_муваффақият_бор

Қалъажий «Иброҳим Нахаъий мавсуъаси»да шундай дейди:

«Мен Иброҳим Нахаъийнинг фикҳидан юзта масалани олдим. У катта тобеъинлардан бўлиб, Ҳаммоднинг шайхидир. Ундан Абу Ҳанифа ҳам дарс олган. Мен унинг юзта масаласини олиб, Абу Ҳанифанинг фикҳига солиштирдим. Абу Ҳанифанинг устозига устозлик қилган Нахаъийнинг масалаларининг 84 фоизи, яъни 100 тадан 84 таси Абу Ҳанифаники билан бир хил экан. Демак, Абу Ҳанифанинг масалалари Иброҳимнинг масалалари билан 84 фоиз мувофиқ келган. Хўш, Ибн Масъудга неча фоиз мувофиқ келган? Алқамага-чи? Ҳаммодга қанчаси мувофиқ келган? Агар биз Абу Ҳанифага якка шахс деб қарасак, уни ҳанафий мазҳабини йўқдан бор қилган, таъсис қилган одам дейиш тўғри бўладими? Ёки унинг асосий

хизмати ушбу қоидаларни тўплаб, тартиблаб чиқиш бўлганми?

Мен бир фақир банда сифатида айтаманки, унинг энг катта хизмати – ўзидан олдингиларнинг фикҳини кейинги авлодга етказиб берганидир. Ибн Масъуд, Алқама, Нахаъийларнинг фикҳи бизга Абу Ҳанифанинг йўли орқали етиб келган. Абу Ҳанифа уларни тартиблаб, бир низомга солиб чиққани учунгина мазҳаб унинг номи билан аталиб қолди. Яна «Мотуридий мазҳаби», деймиз. Ақоиддаги мотуридия мазҳабини имом Мотуридийга нисбат берамиз. Хўш, ақоидни у пайдо қилганми?! Ахир бу саҳобаларнинг ақийдаси-ку! Имом Мотуридий эса ҳижрий тўртинчи асрда яшаган. Имом Мотуридий имом Таҳовий айтган ақоиднинг айни ўзини айтади, холос. Ваҳоланки, имом Таҳовий Мисрда, имом Мотуридий эса Самарқандда яшаган. Имом Таҳовий китобининг бошида: «Бу китоб уч имомимиз: Абу Ҳанифа Нуъмон, Қози Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийларнинг ақийдаси», дейди. Лекин Таҳовийдаги нарсалар Мотуридийда ҳам бор. Ҳолбуки, бири Мисрда, бири Самарқандда яшаган, бир-бири билан кўришмаган.

Демак, Мотуридийнинг гаплари унинг ўз фикрлари эмас. Бу ақийда Абу Ҳанифаники, унинг ақийдаси эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламникидир. Унда нима учун Мотуридийга нисбат берилган? Чунки у бошқа фирқаларга қарши далилларни ўрганиб чиқиб, уларни тартиблаб, жамлаб берган. Шунинг учун бу ақийда «имом Мотуридий ақийдаси» дейилади. У янгитдан ақийда ишлаб чиққани учун эмас. Ҳозирги баъзиларга эса «Мотуридий ақийдаси» десангиз, гўё Мотуридий буларни қайси бир ғордан топиб, олиб чиққандек туюляпти. Аслида бу авлоддан авлодга ўтиб келаётган ақийдамиз эди. Лекин имом Мотуридий адашган фирқаларга қаттиқ раддиялар бергани учун унга нисбат берилади, холос. Демак, «Мотуридий ақийдаси» десак, Мотуридий пайдо қилган ақийда эмас, балки Мотуридий далил қилиб келтирган, исботлаб берган ақийда деганимиз бўлади.

«Абу Ҳанифа мазҳаби» дейиш ҳам худди шундай.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.